



# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 83 (9578). • 1989 йил 29 апрель • шанба •

Баҳоси 3 тийин.

## • 1 МАЙГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ •

### ОЙНАСОЗЛАР ТОРТИҒИ

ЧИРЧИҚ ойна заводи яқин-яқинларда ҳам Ўзбекистон раёнидаги қолқоқ корхоналардан ҳисобланарди. Ишлаб чиқариш планлари неча йиллардан бери сурункасига бажарилмай келарди. Корхона йил бошида Москвадаги «Ясна поляна» кооператив тартибига киритилди. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг иқтисодий усуллари пухта ўзлаштирилган кооператив му-таассислари бу ерда ҳам му-насабатларни янгилашди. Ма-на меҳнат унвондорлигини оши-ришдан ҳам моддий, ҳам маънавий манфаат кўраётган ойнасозлар меҳнатқашларнинг Халқаро бироқлик кунини муносиб кутиб олишди. Улар кун кеча тўрт ойлик планни муддатидан илгари ортири билан бажарганликла-ри ҳақида галаба рапорти бе-ришди. Заводда шу вақтгача кўп йиллардан бери биринчи маротаба пландагидан 181 минг квадрат метр кўп дера-за ойнаси ва 5 минг куб метр ортиқ шиша толеси тай-ёрланди.

М. ФАТТОХОВ.

ССР ИТТИФОҚИ ГРАЖДАНЛАРИ! Халқ манфаат-лари ва социализмни янгилаш манфаатлари йўлида қайта қуришда жамоатчилик ташаббуси ва актив-лигини ривожлантираверингиз!

[КПСС Марказий Комитети  
1 Май Чакирларидан]

### АҚШга, экспортга

ТОШКЕНТДАГИ «Шарқ гу-ли» бадий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасы коллек-тивининг биринчи кварталда келишилган нархлар бў-йича маҳсулот ишлаб чи-қариш планини 115 процент қилиб бажарди, қўшим-часи эса 154 минг сўмликдан ортиқроқни ташкил этди. Ча-кана нархлар бўйича халқ истеъмол моллари назарда ту-тилганидан салкам 900 минг сўмлик кўп тайёрланди.

Фабрикада маҳсулот тур-ларини кўпайтиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Айни кунларда 600 хил буюм савдо шохб

• Туб ислоҳот йўлидан

Евгений Александрович Трофимовни одаддан ташқари машғулоти билан шуғулланганда — бошқа ишчи қатори усти ёпиқ «КамАЗ» машинасида ҳам сурпини тушираётганда учратдим. Ҳаракат қилвериб пешонасидан тер оқаётган бошқалар билан тепла-тег газлама товларини елкасига даст ташлаганича, цехнинг ичига шўнгирди. Иш қизигандан қизиб борарди. Кўп ўтмай, охириги той ҳам тушуриб бўлиди. Евгений Александрович нима демочилигини илғаб олгандек, мийғида жимлайиб: бу ҳам ижара! — деди.

Газламага гул босиш ва бўш участкани ижарага ўтганга бир йил ҳам бўлган йўл. Ҳўш, Трофимовни пардозов фабрикаси директори лавозимидан воз кечиб, янги, очигини айтиш керакки, ҳозирча қалтис бўлган ишга қўл уришга нима макбур қилди? Комбинат ишчининг ишга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартиришга макбур этувчи меҳнати ташкил этишининг янги йл-ғор усуллари ҳозирда қўлдан чиқарилганга бўлган қатъий ишонч Трофимовни шу йўлга бошлади. Қандайдир афсонавий «умумий» ишнинг ҳужайини бўлганидан кўра ўз дастгоҳинг, ўз фабрикасинг, ўз комбинатининг эгаси бўлиш қандай яхши!

Ижарачиларга гул босиш ва бўёқ деҳини бериши. Бу цехлар йиллик планга мувофиқ 17 ва 34 миллион квадрат метр газлама тайёрлашлари керак эди. Гул босиш цехида 44 киши ўрнига 36 киши ишламоқда. Пардозов цехида эса мўлжаллагидан беш киши кўп: одамлар янги бошланишга ишонганича, бу ердан кетишни хоҳлашмайди. Ҳўш сменали иш ташкил қилишни таклиф этган Трофимов ҳеч кимни ишдан ҳайдамади. Шундай қилиб, бўёқчилар планда кўрсатилган бир кунлик маррани аллақачон эгаллаб олдилар. Ойлик пландаги 2,62 миллион метр ўрнига 3,52 миллион метр газлама тайёрлаб бердилар.

Тўғри, гул босувчилар бироз орқада қолишмоқда: ҳамма тап тажрибали кадр-

ларнинг йўқлигида. 36 ишчининг атиги уч нафари юқори малакали бўлиб, эски гул босиш фабрикасида келтирилган, қолганларини ёллаб ишлатишмоқда. Бу тўғрада билан нима ҳам қилаолар эдинг, уларни яна беш йил ўқитиш керак, деб Трофимовнинг бошини қотиришди. Бунинг устига ускуналар Руминиядан келтирилган, Голландия лицензияси асосида тайёрланган. Уларни ҳатто мутахассислар ҳам дарҳол ишга солиб юбора олмайдилар.

Дарҳақиқат, газламага гул босадиган ротацция машина



## САФАРДАН ҚАЙТИШДИ

М. Қориевнинг номидаги Ўзбекистон ССР Давлат филармониясининг Тухтасин Жаиллов номли ўзбек давлат халқ чолгу асбоблари оркестри Украина ССР бўлаб гастрол сафаридан қайтиб келди.

Оркестр ижрочилари Одесса, Николаев, Херсон, Запорожье, Днепродзержинск, Ворошиловград, Донецк каби шаҳарларда, завод ва фабрикаларда, музика билим юртиларида концертлар бердилар.

Ижодий коллектив репертуарининг ранг-баранглиги, ўзбек халқ куй ва қўшиқларининг ўзига хос ижро этилиши томобинлар олқиши сазовор бўлди. Санъаткорлар қардошларимизга чет эл ва совет композиторларининг асарларини ҳам тақдим этдилар. Янча ижрочи созандалар республика конкурсларининг лауреатлари Т. Собиров, Ш. Йўлдошевларнинг чиқиши айниқса, қатъий қизиқтириб ўйотди. У. Ҳожибеков номли 1 республикаларaro ўтказилган конкурс лауреатлари М. Отақўжаев (рубоб прима) ва Қ. Назиров (ғижжак)ларнинг юқори профессионал ижро маҳоратлари ҳам олқишланди.

Ш. ЗИЕВ.

БУ ҲАҚДА ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

БЕКОВДДАГИ В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи коллективи билан райондаги «Авангард» совхоз деҳқонларидан бери неча ўн йиллар ўтди. Шу давр давомида томоғининг қирралари намоян бўлди. Лекин бу ҳамкорлик асосан бир ёқламали бўларди. Кўпроқ корхона ердан қўрсади. Ўқитишлари бошлангандан то йилларгача тугагунга қадар ҳамма ишда пахтакорларга кўмак берилар эди. Машина-механизмларни ремонт қилиш, уларга ахтиёт қисмлар етказиб бериш, дала шайловлари ва бошқа қишлоқ хўжалик объектлари қуришга металлургия ҳам хисса қўшишарди. Бироқ, бундан завод коллективи айтирлик наф қўрмади, кўрса ҳам арзимаган даражада бўларди. Бундай ҳамкорлик макбурий эди.

Хўжаликни юритишнинг янги, замонавий усуллари тобора кенг жорий қилинган эди. Ҳозирги вақтда асосан бир томонлама наф берилган ва «шаҳар-қишлоқ» ширин остида ўтадиган ҳамкорлик давр талабларига тўғ

## Маданий ҳаёт



Болалик хотиралари ўчмас бўлади. Ховлимиз Тошкентнинг энг қадимий ва гавжум даҳаларида бири ҳисобланган Самарқанд. Дарвозада жойлашган. Ота-онам узу-зу-кун ишда бўлишганини сабабли биз — фарзандлар тарбияси билан буюмиз шу-гуллардан эдилар. Улар кўп-пунча бирор юмуш билан банд бўлганларида (аксарият тикиш-чатиш ишларида)

одатлар, қадимий анъаналар, расм-русумларимизга кенг йўл очилмоқда. Халқ оғзаки ижодиини ўрганиш, унинг талантларини топиб эл-юрта таъиниш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Областизмнинг деярли барча районларида ташкил этилган фольклор-этнографик ансамбллар бунга мисол бўла олади.

— Ҳақиқатан ҳам, — дей.



хиргойи қилиб қолардилар. Ёки бўлмаса йақини укамни бешикда тесратиб айтган аллаларини мен ҳам жонидили билан тинглар эдим. Тугаб қолса, «яна битта ай-тиб беринг» деб туриб олардим. Чунки бундай ўзига хос маънодор байтларни биз мактаб дарсликларимизда ҳам ёки бошқа бирор бир китобларда ҳам учратмасдик. Бувим гапларининг орасида мазмундор мақол, матал, ҳикматли сўзлардан кўп ишлатар эдилар. Баъзан шоир Ҳ. Олимжоннинг:

Кўп эртан эшитгандим,  
Сўйлаб берадир буюм.  
Тоҳир, Зухра, Ерлешот,  
Ойни уялтирган қош... —

деган мисралари худди менин буюм ҳақида ёзилган-дек туюлади. Йиллар ўтиб, у киши вафот этиб кетдилар. Баъзан ўша вақтларда эшитган қадимий халқ қўшиқлари, мақол ва ҳикматли сўзларини ёзиб олганимга ачинаман.

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз орасида талантлар жуда кўп бўлган. Уларнинг ижодиети эса бебаҳо хазина.

Халқ оғзаки ижоди авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб келган. Лекин афсуски, биз «турғунлик йиллари» деб атаётган даврда халқимизнинг жуда кўп энг яхши миллий урф-одатлари, маросимлари таъқиқлаб қўйилди.

Оқибатда гарб санъатига тақлид кучайди. Бу эса бизга жуда кўп маънавий зарар келтирди. Хайриятки, қайта қуриш тўғрисида бу хатола-римиз аста-секин тузати-лмоқда. Шу жумладан кейин-ги йилларда миллий урф-

ди область илмий-методик маркази директори Олия Мир